# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари раҳбарлари билан кенгаш ўтказилди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарорининг бажарилиши билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев нутқ сўзлади.

У совет матбуоти қайта қуриш, демократиялаштириш, ошкоралик жараёнига актив кўмаклашаётганини, ўз умрини ўтаб бўлган, яроқсиз барча нарсаларга қарши ғайрат билан курашаётганини, турмушда ижобий жиҳатларни қарор топтираётганини таъкидлади. КПСС Марказий Комитети матбуотга, адабий жамоатчиликка ҳар томонлама ёрдам ва мадад бермоқда. Бир қанча мақолалар юзасидан КПСС Марказий Комитетининг қарорлари қабул қилинди. Марказда ҳам, шунингдек жойларда ҳам амалий танқидни бўғишга ҳар қандай уринишлар бундан буён ҳам қатъиян рад этилаверади.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги муносабати билан шу йил бошида қабул қилинган ҳужжатларда КПСС Марказий Комитети меҳнаткашлар орасида олиб бориладиган сиёсий ишларда Октябрь революцияси ғалабаси билан ҳозирги, совет жамияти турмушининг барча томонларини моҳияти жиҳатидан революцион тарзда ўзгартириш ўртасидаги узвий боғлиқликни ишонтирарли қилиб очиб бериш, социализм ютуқларини, унинг капитализмдан туб афзалликларини далил-исботлар билан кўрсатиб бериш зарур, деб таъкидлади. Бу борада газеталар, журналлар, телевидение ва радио, бошқа оммавий ахборот ва пропаганда воситалари катта иш олиб бормоқдалар. Одамларнинг телевидениега, матбуот сўзига қизиқиши ошди.

Бироқ жамоатчилик таъкидлаётганидек, бир қанча нашрлар ўз йўналишларини тўғри белгилай олмади, қайта қуришнинг ҳозирги проблемаларини ҳал этиш билан тарихимизни ҳаққоний ёритишни узвий боғлаб олиб боролмаяптилар. Айни вақтда тарихнинг айрим даврлари кўпинча бир томонлама ёритилмоқда.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, ижодий союзлар раҳбарлари билан КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленумидан кейин бўлган учрашувда халқимизга, социализм қурган, уни фашизмга қарши ҳаёт-мамот жангларида ҳимоя қилган авлодларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланганди. Шу сабабли Октябрь, социализм тўғрисида, бизнинг кимлигимиз, қаерда яшаётганлигимиз ва революция, социализмнинг ғалабаси ва тараққиёти натижасида нималарга эга бўлганлигимиз ҳақида баралла гапиришимиз керак.

КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари материаллари, М. С. Горбачевнинг, партия ва ҳукуматимиз бошқа раҳбарларининг нутқлари, КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги муносабати билан Совет халқига Мурожаатномаси тарихимизни, унинг мураккаб даврларини тўғри тушунишга ёрдам бермоқда. Редакция коллективлари, журналистлар ҳамиша ана шу ҳужжатларга мурожаат қилишлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин турлича фикрларни ифодаловчи материаллар совет матбуотида тобора кўпроқ эълон қилинмоқда, бу эса демократия, ошкораликнинг ифодасидир. Бироқ, баъзи редакциялар ўз нуқтаи назарларига мос келадиган материалларни жон деб эълон қилаётганликлари, мос келмайдиганлари ёки эълон қилинмаслиги, ёки эълон қилинаётган материалларни у билан бирга бериладиган редакция шарҳида рад этилаётганлиги сезилиб қолди. Бу бир томонлама демократия бўлиб уни тугатиш керак. Фақат редакторнинг қарори билан, газета, журнал редакцион коллегиясида кўриб чиқилмай, материалларнинг эълон қилиниши демократия практикаси доирасидан бутунлай четга чиқишдир.

Баҳс, мунозара маданиятини ошириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳамма ўз мухолифларининг фикрларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, чўрткесар бўлмаслиги керак. Чунки гап совет турмуш тарзини мустаҳкамлаш мақсадида ҳақиқатни излаш тўғрисида бормоқда.

Қуйидагиларга эътибор қаратилди. Идеология ишида шу вазиятни ҳисобга олиш керакки, чет эллардаги мухолифларимиз тактикани бутунлай ўзгартириб ўз сафларини қайта қурмоқдалар. Совет Иттифоқи қайта қуриш туфайли янада қудратли бўлишини, социализмнинг жозиба кучи бутун дунёда ортиб бораётганлигини англаб олиб, мухолифларимиз бизнинг жадаллаштириш, қайта қуриш, демократиялаш, сиёсатимизга халақит бериш, агар иложи бўлса уни барбод қилиш учун барча реакцион кучларни ягона фронтга тўплай бошладилар. Улар миллатчилик кайфиятларини жонлантиришга зўр бермоқдалар.

Е. К. Лигачев ўз нутқининг бир қисмини бу йил мамлакатимиз олдида турган экономика соҳасидаги вазифаларнинг ҳал этилишига бағишлади. Аҳолини яқин йилларда етарли миқдорда ва юқори сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш қайта қуришнинг энг муҳим натижаларидан бири бўлиб қолиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари социал-иқтисодий ривожланиш планларининг қандай бажарилаётганлигини кун сайин жамоатчиликнинг диққат марказида ушлаб туришлари, совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуши янада яхшироқ бўлиши учун курашишлари лозим. Корхоналарнинг, тармоқларнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши қандай бораётганлиги билан қизиқиш зарур. Меҳнаткашларни давлат ишларини бошқаришга амалда оммавий жалб этишга нима тўсқинлик қилмоқда? Жамиятнинг маънавий жиҳатдан соғломлашувига, бюрократизм, текисчиликни бартараф этишга, ҳушёр турмуш тарзини қарор топтиришга нималар тўсқинлик қилмоқда? Партия ва давлатнинг турли бўғинлари ўз ишини қандай қайта қурмоқда? Оммавий жамоат ташкилотлари фаолиятида қандай янгиликлар бор? Илм-фан, маданият, адабиёт, санъатда қандай жараёнлар юз бермоқда? Газеталар, журналлар, телевидение, радио редакциялари ана шу ва бошқа кўп масалалар билан шуғулланишлари лозим.

Қайта қуришнинг қимматли тажрибасини ҳамма жойда оммалаштиришда қатъият кўрсатиш, социалистик ватанимизнинг шонли юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақанинг натижадорлигини ошириш жуда муҳимдир.

ТАСС

*Иркутск областида Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари*

# ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР ҲАРОРАТИ

## Тинчлик ва бахт-саодат сизларга ёр бўлсин, азиз сибирликлар!

**ИРКУТСК,** 14 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбирлари **С. Гребенюк, Л. Левин, В. Ходий**).

Совет Ўзбекистони вакиллари тушган «Икарус» автобуслари оркестрнинг шўх садолари, байрамлардагидек башанг кийиниб олган юзлаб кишиларнинг олқишлари остида Ангарскнинг Ленин номли бош майдонига кириб келди. Меҳмондўст мезбонлар меҳмонларга анъанавий нон-туз, гулдасталар тақдим этдилар.

Бу ерда, Коммунистик партия билан Совет давлати асосчисининг ҳайкали олдида дўстлик митинги бўлиб ўтди.

— Ангарск Ўзбекистон шаҳарлари билан минглаб риштлар орқали боғланган, —деди ўз нутқида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. К. Худомин. — Шаҳарнинг «Ангарскнефтеоргсинтез» бирлашмаси, электромеханика заводи, тикувчилик фабрикаси каби йирик корхоналари ва бирлашмалари қардош республикадан хом ашё ҳамда материаллар олиб турибди. Ангарск нефтехимикларининг Чирчиқ, Фарғона, Андижон шаҳарларидаги ҳамкасблари билан алоқалари қалин ва самарали ҳамкорликнинг намунаси бўлиб хизмат қила олади. Бироқ ижодий алоқаларсиз мустаҳкам иқтисодий алоқаларни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам сибирликлар бу байрамни қардош халқлар ҳамдўстлигида янги ёрқин саҳифа, турмушнинг барча соҳаларида келгусидаги алоқаларнинг замини деб билмоқдалар.

— Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси 1966 йилда ангарскликлар берган қардошларча ёрдамни ҳеч қачон унутмайди, — деди ўз нутқида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова. — Сибирликлар биринчилардан бўлиб зилзиладан зарар кўрган Тошкентга келдилар. Одамлар «Сибирь уйлари» деб эҳтиром билан атаётган уй-жой кварталлари бузилмас дўстлик рамзи сифатида Тошкент ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Иркутск областида Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчилари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Ангарск гўзал шаҳар. Ям-яшил дарахтлар билан бурканган равон кўчалар ва проспектлар осойишта, мусаффо Ангара дарёси томон чўзилган. Ангарскликлар олдида ҳам экологик проблемалар бор. Шаҳар — химия, нефть химияси, машинасозликнинг йирик марказидир. Табиийки, бу атроф муҳитга ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун атмосферага чиқадиган нефть ва химиявий маҳсулотлар чиқиндиларини камайтириш юзасидан бир қанча программа ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Биз Ангарск тўғрисида бежиз батафсил ҳикоя қилмаяпмиз. Ана шу навқирон шаҳарнинг проблемалари Ўрта Осиё регионидаги саноат марказлари олдида турган проблемаларга ўхшашдир. Дўстларимизнинг тажрибаси, уларнинг табиатга сергаклик ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлаётганликлари эътиборга лойиқдир.

Дўстлар орасида сир бўлмайди. Биз бу тушунчанинг чуқур мазмунини Ангарскда тўла ҳис этдик. Шаҳар 40-50-йилларда бунёд этилган. Ўшанда мамлакатнинг ҳамма томонларидан бу ерга серғайрат ёшлар келишди. Бироқ вақт жуда тез ўтади. Ветеранлар ўрнини ёшлар олишмоқда. Шунга қарамай, шаҳар ёш ишчиларга, малакали мутахассисларга —ғоят муҳтож. Бир қанча техникумларда ва Иркутск политехника институтининг филиалида мутахассислар тайёрланмоқда.

Мезбонлар байрам қатнашчиларини Енгил саноат механика-технология техникумига таклиф этдилар. Билим масканида тикувчилик ва трикотаж корхоналари учун мутахассислар тайёрланмоқда. Мана шу билим юртини битириб чиққан кишилар Сибирь ва Узоқ Шарқнинг барча районларида, Уралда меҳнат қилишмоқда... Меҳмонларга замонавий ўқув кабинетлари, лабораториялар, техникум талабалари ясаган буюмларнинг намуналари кўрсатилди.

— Сизлар техникумингизнинг Ўзбекистондаги шундай билим юртлари билан ҳамкорлигини қандай тасаввур қиласиз? Биз шундай савол билан бир неча ўқитувчи ва ўқувчига мурожаат қилдик. Мана уларнинг фикрини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Техникум директори Александра Петровна Долгишева:

— Ҳамкорлик зарур. Биз Ўзбекистон енгил саноатнинг қудратли ишлаб чиқариш базасига эга эканини биламиз. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз бу борада анчагина ютуқларни қўлга киритганликлари табиийдир. Конкрет гапирадиган бўлсак, мен кенг қўламда тажриба алмашиш, ўқитиш методларини айрибошлаш, эҳтимол, Ўзбекистон ва Иркутск области корхоналарида юқори курс талабаларининг стажировкада бўлиши ана шу ҳамкорликнинг йўналишларидан, деб биламан.

4-курс талабаси Оксана Ковальчук:

— Ўзбекистон газламалари ёрқин ва ранг-баранглиги билан беқиёсдир. Менимча, сибирлик хотин-қизлар ана шу газламалардан тикилган куйлакларни бажонидил киядилар. Бунинг учун нима қилиш керак?

Тикувчилар ва моделерлар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш технологиясини яратиш керак, техникумимиз талабалари экспериментал намуналарни ишлаб чиқишлари мумкин. Мен ўзим бу мавзуни бўлғуси диплом ишим учун бажонидил олган бўлур эдим.

... Камгап, вазмин Тулепберген Қаипбергенов ва эҳтиросли Пирмат Шермуҳамедов ангарсклик ёзувчи ва шоирлар билан учрашувда экология тўғрисида, табиат дурдонаси бўлган Байкал ва Орол келажаги ҳақида гап борганида астойдил куйиниб сўзладилар.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тулепберген Қаипбергенов ўз ижодини қадимий ўлка тарихига, кўҳна Оролга бағишлади. Филология фанлари доктори, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Пирмат Шермуҳамедов Орол денгизини қутқариш жамоат комитетига бошчилик қилади. Шунинг учун ҳам ёзувчиларнинг учрашуви табиатни сақлаб қолиш борасида адибларнинг зиммасига юкланган масъулиятли бурчга, Ўрта Осиё регионида ва Шарқий Сибирда экологик вазият ёмонлашганлиги билан боғлиқ вазифаларга бағишланди. Мана қуйида ёзувчилар айтган фикрлардан айримларини келтирамиз.

Т. Қаипбергенов: афсуски, мен Валентин Распутин ташаббуси билан ташкил этилган «Байкал ҳаракати» қатнашчиларининг Иркутскдаги учрашувига кела олмадим. Областингизда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари менинг ёзувчилар мунозарасида иштирок этишимга имкон берганлигидан хурсандман. Бугунги кунда шу нарса равшанки, ёзувчи жамоат арбоби сифатида воқеаларнинг бетараф кузатувчиси бўлиб тура олмайди. У воқеаларнинг ичида бўлиши, жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиши, зарур бўлса, бонг уриши керак. Иркутсклик адиблар Байкал каби табиатнинг ноёб бойлигини қутқариб қолиш соҳасида шундай иш қилмоқдалар. Табиатнинг мана шу икки буюк маҳсули бир-биридан минглаб километр олисда жойлашган. Аммо улардан бирининг экологик ҳолати ёмонлашуви дарҳол бошқасига ҳам таъсир қилади. Шунинг учун сизларнинг Байкал тўғрисидаги ташвишингиз бизларга ғоят тушунарлидир.




Шоир, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Валерий Васильев: мен Тўлепберген Қаипбергеновнинг Байкал кўлининг ифлосланиши сибирликларгагина тааллуқли эмаслиги каби Орол проблемалари фақат Қорақалпоғистон ва Ўзбекистонга дахлли эмас, деган фикрига қўшиламан. Ватан тушунчаси Карелия, Молдавия, Латвияда бўлишидан қатъи назар, табиатнинг барча бебаҳо бойликларини ўз ичига олади. Бизнинг вазифамиз мусаффо Байкал ва об-ҳаёт билан тўлиқ Орол денгизини келгуси авлодларга қолдириш учун имкони бўлган барча ишларни қилишдан иборат.

П. Шермуҳамедов: биз Орол денгизини қутқариш комитети тузилишини жамоатчилик шу қадар қўллаб-қувватлашини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эдик. Бизга Совет Иттифоқининг барча томонларидан мактублар йўллашмоқда, банк счетига одамлар пул ўтказмоқдалар. Орол денгизининг тақдири минглаб кишилар қалбини ҳаяжонга солмоқда. Ҳозир шу ерда ҳам сибирликлар бизнинг муаммоларимизни тўла англаётганликларини кўриб турибмиз. Шоирлар, ёзувчилар, публицистлар одамларнинг бизни қуршаб турган оламга муносабатини ўзгартирибгина қолмай, шу билан бирга тайгадаги кичик бир дарё, қайинзор, тоғдан оқиб тушадиган шаршара мутлақо йўқ бўлиб кетишини юракдан ҳис этишларига кўмаклашишлари зарур.

Шоир Александр Косарев: табиат яратган Орол денгизи ва Байкал кўли Ўзбекистон ҳамда Сибирь ёзувчилари, жамоат арбобларининг куч-ғайратлари бирлаштирилишини тақозо этмоқда, Орол муаммолари тўғрисида Ангарск шаҳри, унинг ён атрофидаги поселкалар аҳолисига сўзлаб беришни ўз бурчим деб биламан. Бизни газеталарнинг, радио ва телевидениенинг журналистлари қўллаб-қувватлашларига ишончим комил.

Ангарск адиблари Орол денгизи фондига ўз жамғармаларининг бир қисмини ўтказишга қарор қилдилар. Қуёшли Ўзбекистон вакиллари сибирлик ҳамкасбларига республикада нашр этиладиган Орол денгизи тўғрисидаги шеърлар, ҳикоялар, публицистик асарлар тўпламини яратишда иштирок этишни таклиф қилдилар.

Ёзувчилар, шунингдек икки қардош республика адиблари асарларининг услуби ва тили тўғрисида гапириб, таржима асарларга алоҳида эътибор бердилар. Сибирлик ва ўзбекистонлик адиблар китобхонларни мунтазам равишда адабиёт янгиликлари билан таништириб туришлари зарур, деган истаклар билдирилди.

... Кўп миллион тонналии бўй-басти билан қояли соҳилга ястанган улкан тўғон гўзал Ангара дарёсини тўсиб, уни одамларга хизмат қилишга мажбур этди. Падунск шаршарасида қад кўтарган Братск ГЭСи қурувчиларнинг ноёб ижодидир. Табиатнинг ўзи тўғон учун «пойдевор» яратиб қуйганлиги ҳатто профессионал қурувчи бўлмаган кишига ҳам тушунарлидир. Гидростанция ҳар йили 20 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиб бермоқда. Бунинг устига ҳар қандай вазият ва шароитларга қарамай, электр энергия барқарор ҳосил қилинади. Нимага шундай? Бунинг жавоби оддий йилига 60 кубкилометрдан ортиқ мусаффо сувини ўз «қизи» — Ангара дарёсига бериб турган Байкал кўли туфайли шундай бўлмоқда.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчилари кўлбола Братск сув омбори соҳилига келишди. Ўзбекистон делегацияси составида ишчилар ва қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, музика коллективлари, рассомлар, созандалар, кинематографчилар бор. Ангара дарёси ҳеч кимни лоқайд қолдирмади, қудратли тўғон ва унинг атроф табиат билан уйғунлашиб кетганлиги кишини ҳайратга солади. Братск ГЭСи инсон ақл-идрокининг табиатга зиён етказмаган камдан-кам мўъжизаларидан биридир. Шундай мўъжизаларнинг кам эканлиги кишини афсуслантиради.

Учрашувлар, мунозаралар бўлди. Концертлар берилди. Делегациянинг деярли ҳар бир минут вақти ҳисобда, меҳмонлар борган объектларни санаб ўтишнинг ўзи кифоя: Братскдаги ўрмон саноати комплексининг целлюлоза заводи, мамлакатда энг катта алюминий заводи, ГЭС, музейлар, маданият саройлари, ҳунар-техника билим юртлари. Бундай сафар программаси меҳмонларнинг шарқий Сибирнинг мана шу навқирон ва тез ривожланаётган индустриал маркази ҳаётининг барча томонлари билан яқиндан танишишларига имкон беради.

Қуёшли Ўзбекистон вакилларининг барча учрашувлари тўғрисида гапириш қийин. Улардан айримлари ҳақида ҳикоя қиламиз. Меҳмонлар шаҳар музика мактабида бўлдилар.

— Музика, адабиёт, санъат —барча кишиларнинг мулкидир. Демак, бу интернационал мулкдир, — деди меҳмонларни кутиб олар экан мактаб директори Л. Азизян. — Мамлакат қардош халқларнинг музикаси —ўзаро муомаланинг мустаҳкам кўприги, одамларни бирлаштирадиган воситадир. «Баҳор» ансамблининг рақслари изоҳга муҳтож эмас. Мансур Тошматов ва «Ялла» ансамблининг ўзбек тилидаги қўшиқлари таржима қилишни талаб этмайди. Қўшиқ ва рақслар — халқ қалбини ифодалайди, унинг бойлигидир.

Музика мактаби ўқитувчилари ва талабалари ижро этган ўзбек композиторларининг асарлари директор фикрининг давоми ва тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг лауреати, Тошкент консерваториясининг кафедра мудири Сайфи Жалил бу ажойиб концертни қуйидагича баҳолади:

— Тайгадаги мана шу шаҳарда ўзбек халқ куйларини тинглаш ғоят ёқимлидир. Бу қўшиқларни профессионал музикачилар ижро этмаган бўлсаларда, болалар сидқидилдан куйлаганлиги ҳаммамизни қойил қолдирди.

Ленин номли пионерлар ва мактаб ўқувчилари республика саройининг доирачилари ёш мезбонларга муносиб туҳфа тайёрладилар. Уларни болалар ҳам, катта ёшдаги кишилар ҳам узоқ давом этган қарсаклар билан олқишладилар. Учрашув сибирликлар ва ўзбекистонликларнинг катта байрам концертига айланиб кетди. Шу ернинг ўзидаёқ келгусига мўлжалланган ижодий шартномалар тузилди.

Сибирь ва Ўзбекистон рассомларининг область марказида учрашуви бўлиб ўтди.

Тасвирий санъат халқ характерини акс эттиради, дейди РСФСР Рассомлар союзи Иркутск область ташкилоти правлениеси раисининг ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган рассом Борис Бичков. — Ўзбек рассомларининг асарларида ўзига хос услуб, ранг-баранглик акс этган. Сибирь тасвирий санъат мактабига хос хусусиятлар шундан иборатки, уларда ширали, ранг-баранг бўёқлар, таъсирчанлик тўла намоён бўлади. Биз бир-биримиздан ўрганишимиз, демак, санъат мактабларимизни ўзаро бойитишимиз керак.

Иркутсклик рассомлар Владимир Кузьмин ва Анатолий Костовский устахоналарида суҳбат давом этди. Меҳмонларга кўрсатилган асарларнинг кўплиги уларни ҳайратга солди. Ўзбекистон мўйқалам усталари ўзларини гўё тайгадаги дарахт қирқилаётган жойларда бўлгандек, Байкал балиқчилари билан бирга машҳур омуль балиғини овлашга жўнаб кетаётгандек ҳис этдилар.

Учрашув охирида ўзбекистонлик ва сибирлик рассомлар келгусидаги ҳамдўстлик тўғрисида шартнома туздилар. Ўзбекистон тасвирий ва манзарали-амалий санъат асарлари виставкаси ана шу алоқаларни бошлаб берди. Виставкани минглаб иркутскликлар томоша қилдилар. Сибирликлар ҳам қардош республикага ўзларининг худди шундай экспозициясини олиб келиш ниятидадирлар. Қўшма ижодий группа тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу группа Ўзбекистон ва Байкал бўйида ижод қилади.

* * *

**ИРКУТСК,** 15 сентябрь. ЎзТАГ махсус мухбирлари **С. Гребенюк, Л. Левин, В. Ходий** хабар берадилар:

Ўзбекистон вакилларини Усть-Ординский автоном округи чегарасида бурятларнинг миллий кийимидаги чавандозлар кутиб олдилар. Республика ижодий коллективларига округ марказигача мана шундай одатдан ташқари фахрий эскорт ҳамроҳлик қилди. Усть-Ординский меҳнаткашлари азиз меҳмонларни нон-туз, қадимий бурят қўшиқлари билан кутиб олдилар. «Баҳор» ансамблининг раққосалари шу заҳотиёқ қувноқ даврага қўшилдилар.

Усть-Ординский Бурятия автоном округи зотли арғумоқлари билан, мўл сут соғиб олинаётганлиги билан машҳурдир. Бу ерда, Шарқий Сибирнинг экстремал шароитида буғдой, арпа, маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли билан Ўзбекистон вакиллари ўртасида деҳқончилик муаммолари, гектар самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида, бу йилги чўзилиб кетган баҳор ташвишлари ҳақида гап борганлиги қонунийдир.

Республика вакиллари Усть-Ординский мактаб-интернатида, медицина билим юртида, Эхрит-Булагат районидаги Ленин номли колхозда бўлдилар. Бу ерда чорвадорлар ҳузурида «Баҳор» ансамбли концерт берди, ёзувчилар, музикачилар, рассомлар ўзларининг ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб бердилар.

Ижодий группалар область шаҳар ва районларида бир неча кун бўлганларидан кейин Иркутскка қайтиб келдилар.

Ўзбекистон вакиллари область ижроия комитетида қабул қилиндилар. Учрашувда уларни Иркутск область ижроия комитетининг раиси А. М. Ковальчук табриклаб, сўзга чиқди.

Шу куни спорт саройида Иркутск областида Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.

Иккала қардош халқ ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганликлари учун Ўзбекистон вакиллари КПСС Иркутск область комитети, область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

— Областимизда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг ўтиши, — деди ташкилот комитетининг раиси В. В. Игнатов, — Ангара бўйидаги маданий ҳаётдаги катта воқеа бўлди. Биз кейинги йилларда биринчи марта иттифоқдош республиканинг бундай ваколатли делегациясини қабул қилдик. Байрамдан мақсад, маданиятларни бойитишдан иборат бўлибгина қолмай, шу билан бирга Иркутск области билан Ўзбекистон ўртасида янада мустаҳкам амалий алоқаларни ўрнатишдан ҳам иборатдир.

Серқуёш республикадан келган меҳмонлар Иркутск, Братск, Ангарск, Усолье-Сибирское, Черемхово, Шелехов шаҳарларида, Усть-Ординсий, Бурятия автоном округида бўлдилар ва уларни ҳамма жойда Ангара дарёси соҳилининг аҳолиси самимий кутиб олди. Меҳмонлар завод ва фабрикаларнинг меҳнат коллективлари билан учрашдилар, ҳарбий қисмларда, ўрта махсус ўқув юртларида, ҳунар-техника билим юртларида концертлар бердилар.

Рассомлар, ёзувчилар, кинематографиячилар ижодий союзлари биргаликда самарали иш олиб борди. Область бадиий музейида очилган Ўзбекистон ССР Тасвирий ва манзарали-амалий санъат кўргазмаси иркутскликларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Адабиёт ва санъат кунларининг тантанали ёпилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова нутқ сўзлади.

— Ўтган кунлар воқеаларга бой ва самарали бўлди. Учрашувлар, сафарлар ва суҳбатлардан зўр таассурот олдик. Дўстлигимиз гўзал Байкал суви каби мусаффо эканлиги равшандир, деди у.

Дўстлик байрами Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги ва Иркутск области ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шонли санаси нишонланадиган йилда ўтганлиги алоҳида файз бағишлади. Биз қаерда бўлмайлик — ҳамма жойда ўзимизни ўз уйимиздагидек, ёр-биродарлар ва содиқ дўстлар орасида юргандек ҳис этдик.

Адабиёт ва санъат кунлари чинакам катта дўстлик байрами бўлди. Коллективларимизнинг концертларини минглаб сибирликлар томоша қилдилар. Сизларнинг қизғин қарсакларингиз, сидқидилдан кутиб олганлигингиз ўзбек халқининг санъати сибирликларга тушунарли эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ниҳоясига етган байрам алоқаларимизни ривожлантириш учун янги омил бағишлади. Бир-бирларимизга ижодий коллективларни, кўргазмаларни юбориб туришга қарор қилинди. Ўзбекистонлик ва сибирлик адиблар табиатнинг икки дурдонаси — Байкал ва Оролни сақлаб қолиш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар. Ҳамкорликни янада ривожлантириш кенг истиқболларини очиб берадиган биргаликдаги ишлар программалари белгиланди.

Меҳнат коллективларига қилинган сафарлар муваффақиятларингиз билан яқиндан танишишимизга ёрдам берди. Гўзал ўлкангиз минглаб воситалар орқали Ўзбекистон билан боғланган. Ангарск нефтехимиклари Фарғона, Андижон, Чирчиқ шаҳарларидаги турдош корхоналар билан мустаҳкам амалий алоқалар боғлаганлар. Ўзбекистоннинг юзлаб вакиллари Байкал-Амур магистралини, Братск ГЭСини бунёд этишда ёрдам бердилар. Ўз навбатида сибирликлар 1966 йилги зилзиладан кейин қурган уй-жой кварталлари Ўзбекистон пойтахти — Тошкент ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Бундай мустаҳкам, амалий ҳамкорлик мисолларини кўплаб келтириш мумкин. Иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш сафаримизнинг табиий давоми бўлиб қолади. Бу борада кенг имкониятлар мавжуд.

Тинчлик ва бахт-саодат сизларга ёр бўлсин, азиз сибирликлар!

Иркутск областида Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари катта байрам концерти билан ниҳоясига етди. Концертда республика вакиллари билан бирга Сибирнинг энг яхши музика ва фольклор коллективлари ўз санъатини намойиш қилдилар.





**Суратда:** Кунлар қатнашчиларидан (чапдан ўнгга) музикашунос Аҳмад Жабборов, ангарсклик санъатшунос Людмила Корж, маҳаллий бадиий мактаб директори Галина Сморода, санъатшунослик доктори Рафаил Тоқтош, ангарсклик рассом Геннадий Неупокоев.

**Суратда:** таниқли совет ёзувчиси Валентин Распутин (чапдан иккинчи) тантанада иштирок этган ўзбек адиблари даврасида.

**Р. ҒАФУРОВ фотолари ЎзТАГ**

Рамз БОБОЖОН, Ўзбекистон ССР халқ шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати

# ВАТАН ШАЪНИ

## ОКТЯБРЬ 70 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

*Қўлимда бир қисим*
*Ватан тупроғи,*
*Узоқ ўтмишларга элтади*
*хаёл...*

ДАРҲАҚИҚАТ ШУНДАЙ. Қурт-қумурсқадан тортиб инсонгача ватан дейди, ватан билан тирик! Чет эл сафарларининг бирида фавқулодда ҳайратомуз воқеанинг гувоҳи бўлганман. Замон зайли, тақдир тақозоси билан турли сабабларга кўра ғурбатда қолиб кетган баъзи юртдошларимиз Ватан хокини қўлтиқтумор қилиб юрганларини кўрганман, қолаверса, ўлганларида устиларидан ана шу бир қисим тупроқни сочиб юборишни қариндош-уруғларига, ёри-биродарларига айтиб қўйганликларини эшитганман.

Ватан учун жангга кирганларни, ҳатто амбразураларга ўзларини урганларни биламиз, жасоратларини қадрлаймиз, уларнинг ёрқин хотираларига сажда қиламиз.

Ватан олдидаги муқаддас бурчимизни, она олдидаги фарзандлик қарзимизни узмоғимиз учун ниҳоятда ҳалол ва ҳақгўй, беғараз ва садоқатли бўлмоғимиз шарт. Ватан меҳнатини беминнат адо этмоғимиз керакки, оқибатда, шу йўлда тўкилган тер томчилари бағри кенг дарёдай тўлқин отсин!

Она-Ватанимиз ҳадемай 70 ёшга тўлади, 70 йил ҳазилакамми! Гражданлар уруши, янги иқтисодий сиёсат, беш-йилликлар, колхозлаштириш, индустрлаштириш, Улуғ Ватан уруши, тикланиш... эҳ-ҳе, не-не воқеаларда тобланмади бу ўлка, бу одамлар! Албатта, бу 70 йил давомида босиб ўтган йўлимиз фақат ғалабалардан иборат теп-текис йўл деган сўз эмас. Бу йўлда айрим жиддий хатолар рўй берган, шахсга сиғиниш оқибатида халқимиз бошига катта кулфат ҳамда фожиалар келтирган оғир пайтлар ҳам бўлган. Эсимда, 30-йиллар боши, кеч куз, республика пахта плани хавф остида турарди, далада нима гап билмайман, шаҳарда ғала-ғовур, пахта учун кураш давом этарди, ҳамма бош қотирарди: нима қилсаю, тўлмаган планни тўлдирса, даланинг йиртиғига ямоқ бўлса, эл-юрт ана шу ташвиш билан яшарди. Ўшанда ҳатто уйлардаги кўрпаларни тилка-пора қилиб, қучоқ-қучоқ пахтадан хирмон ясалгани, газеталар бонг ургани, ватанпарварлик бурчи деб шовқин солингани, мен ҳам ойимнинг икки кўрпасининг авра-астарини ағдариб, кўтариб, маҳалламиздаги бир бойнинг ичкари ва ташқарили ҳовлисига жойлашган мактабимиз айвонига олиб келиб ташлаганлигим — ҳали-ҳали эсимда. Шу керакмиди?! Кимга, нимага керак эди? Бундай хўжакўрсин қабилидаги «ташаббус» халқнинг кўнглини вайрон, рўзғорини поймол, юксак туйғуларини ғалаёнга келтирган эди-ку! Эндиликда, ўйласак, ўша вақтда айрим шуҳратпараст раҳбарларнинг ана шу қабилдаги «фидойилиги» шахсга сиғинишнинг айни кўриниши бўлиб гавдаланади.

Ҳолбуки, Катта Фарғона каналини эсланг! Қирқ беш кунда ҳаққи-ҳалол қилинган меҳнат мўъжизаси, халқ иродасининг буюк намойиши...

Ҳолбуки, Улуғ Ватан уруши йилларини эсланг! Халқлар дўстлиги фақатгина шиор эмас, амалда... Етим-есирларга, кексаларга кўрсатилган меҳрибонлик, қардошлик, меҳмондўстлик, ўзбек халқининг саховати... Энг яхши урф-одатларимиз... фронт орқасидаги мардлик, матонат, ҳормай-толмай қилинган ҳалол меҳнат...

ҲА, АНА ШУНДАЙ ижодкор, қалби қайноқ, бағри кенг, катта ишларга қодир, танти, меҳмондўст, меҳнаткаш, маърифатли, маънавий бой, дили пок, ўз сўзли, қудратли халқмиз-ку! Хўш, нима бўлди? Нега кейинги йилларда халқимиз ҳаётида кўнгилсиз ҳодисалар рўй берди? Кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, порахўрлик, маҳаллийчилик... Бунга ким айбдор? Бу савол кишини ўйлатиб қўяди. Очиғини айтиш керакки, ўз обрўйига ўзи чуқур қазиган, халқ шаънига, Ватан шаънига иснод келтирган харомхўр, баднафс айрим мансабдор шахслардан, юртнинг тузини ичиб, тузлуғига тупурган кўрнамаклардан, давлат чўнтагига қўл солган муттаҳамлардан, жиноятчилар тўдасидан бошқа яна ким бўлиши мумкин?! Халқми? Йўқ! Асло! Булар бари халқни, оддий меҳнаткашни, унинг ҳақ-ҳуқуқларини менсимаганлар, оёқ ости қилишга уринганларнинг иши!

Яқинда Тошкент телевидениеси тайёрлаган ниҳоятда актуал, долзарб кунларнинг корига ярайдиган бир кўрсатувга кўзим тушди. Унда юзимизни шувит қилиб турган пахтачиликдаги кирдикорлар рўй-рост очиб ташланди. Чунончи, Тошкент ва Бухоро областларидаги жиноий ишлар айбдорларини сўроқ жараёнидаги фош қилувчи далиллар орқали кўрсатилди. Лекин фильм давомида бир чуст дўппи гоҳ терговчининг столи устида, гоҳ жиноятчининг бошида пайдо бўлади ва ниҳоят, фильм охирида рамзий маъно касб этиб, қўшиб ёзиш каби жиноятнинг тимсоли бўлиб кўзга ташланади. Ҳолбуки, дўппи ўзбек халқининг миллий кийими! Ўзбек деганда анъаналари серқирра, касб-кори аниқ — пахтакор, миришкор, дилбар ва диловар халқ кўз олдимизга келади. Шундоқ экан, дўппи эпизодига рамзий маъно бериб, фильмни дўппи билан бошлаб, дўппи билан тугатиш керакмиди? Наҳот фильм муаллифлари бу нарса оддий меҳнат аҳлининг дилига озор беришини, унинг туйғуларини таҳқирлашини англамаган бўлсалар?

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлисида республикада рус тилини ўрганишни яхшилаш масаласи кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда маҳаллий миллатларга мансуб кўп кишилар учун рус тили иккинчи она тили бўлиб қолганлиги таъкидланади. Айни вақтда ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа миллий тилларни ўрганишда жиддий камчиликлар борлиги қайд этилади. Она тилини ўрганиш сифати анча пасайиб кетганлиги, дарсликлар, ўқув планлари, программалар, ўқитиш методикаси замонавий талабларга жавоб беролмай қолганлиги, айримлари эскириб кетганлиги кўрсатиб ўтилди. Мустақил машқ қилиш, ўзаро сўзлашув қўлланмалари, луғатлар нашри ёмон аҳволда. Миллий тилларни ўрганиш ва ўргатишга эътибор берилмаганлиги, лоқайдлик оқибатида шундай хунук ҳодисалар юз бердики, жумладан, Маданият институтида ўзбек тили кафедраси, Театр институтида эса ўзбек тили ва адабиёти кафедралари тугатиб юборилди. Бу ўтакетган бир ёқламалик, қолаверса, партиямизнинг миллий сиёсатини нотўғри тушунган ношуд раҳбарларнинг ношуд иши-ку! Тил билмаган маданият ходимларидан, нафосатдан олис актёрдан нима кутиш мумкин?

Тилга эътибор — элга эътибор. Модомики, шундай экан, интернационализм байроғини янада баландроқ кўтариб, Ленин ва Пушкин, Навоий ва Ҳамза тилларига ҳурмат ва эътиборни янада оширмоғимиз лозим. Ҳар икки тил маданиятимизнинг икки қаноти бўлиб, янги ижодий парвозларга имкон яратади, миллий туйғуларимизга урғу беради. Аммо партиямизнинг миллий сиёсатини яхши идрок этмаган баъзи чала мулла раҳбарлар «фаолияти» туфайли баъзан у тил, баъзан бу тил камситилади, ҳар икки ҳолда ҳам бундай хатти-ҳаракат қораланиши керак. Масалан, мен янги туғилган неварам муносабати билан район ЗАГСига борганимда рўйхат бланкасидаги саволлар фақат бир тилда эканлигини кўриб ҳайрон қолдим. Ёки шаҳар марказидаги жуда кўп идора ва магазинларнинг эшигидаги ёзувлар, кўча номларига эътибор берайлик. Уларни ўқий десангиз имловий хатолардан кўнглингиз айнийди. Айниқса, юқори лавозимдаги баъзи бир масъул ўртоқларнинг ўз она тилида икки оғиз сўзни эплаб гапира олмаганларидан ниҳоят хижолат тортасан киши!

ЁЗУВЧИЛАРНИНГ ярим умри сафарларда ўтади. Бу галги кезишларим унча олис бўлмаган масофаларни ўз ичига олади. Бири — китобхонлар билан учрашув, шеърхонлик Фарғона водийси, бўйлаб, Марғилондан тортиб, то Наманган этакларигача бўлса, яна бошқа бири — Каспий бўйлари, Боку шаҳри. Бу ерда ҳаммамизга маълум ва машҳур шоир, озарбойжон шеъриятининг ифтихори Самад Вурғуннинг 80 йиллик тўйи нишонланди. Мен ана шу қутлуғ маросимга қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Тўй ўз йўлига, лекин тўй баҳона гап кўпмиллатли совет адабиёти ва унинг равнақи ҳақида борди, республикалардан келган шоир ва адиблар, танқидчи ва адабиётшунослар нафақат озарбойжон, умумиттифоқ адабиёти, шу жумладан, ўзбек адабиётининг ҳозирги аҳволи билан қизиқсиндилар, имконияти бўлган пайтларда ўзаро фикр алмашув, мулоҳаза ва музокаралар юз берди. Демак, шундан маълумки, қачон ва қаерда бўлмайлик, кўркимиз, кўз-кўз қилгудай бебаҳо мулкимиз, ижод устахонасида яралган етук асарлар ва уларни яратган ажойиб санъаткорлар давра марказида бўлишлари табиий.

Коммунистик партиямиз талант ноёб эканлигини, уни авайлаб асраш кераклигини ҳамиша уқтириб келади. Бунга КПСС XXVII съездига қилинган Сиёсий доклад, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ва пленумлари, республика ва Иттифоқ ёзувчилари съездларининг амалий иш жараёни, тадбир ва қарорлари ёрқин мисол бўла олади. Ҳозир мамлакатимиз халқ хўжалигида қайта қуриш жараёни давом этаётибди. Бу тадбир ижодчиларимизга, ёзувчи ва санъаткорларимизга ҳам дахлдордир. Шу нуқтаи назардан масалага ёндашсак, адабиётимиз жуда масъулиятли бир даврни ўз бошидан кечираётганлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Хўш, ўзбек адабиётида қайта қуриш бошландими, йўқми? Бошланди, лекин бу процесс, бахтга қарши, кўнгилдагидек эмас, суст ўтаётганга ўхшайди, теранлик кўринмайди.

Адабиёт ва санъатнинг ривожида танқид ва ўз-ўзини танқид зарурлиги шак-шубҳасиздир. Лекин танқид соғлом ва беғараз бўлиши керак. Танқиднинг кучи шундаки, ижод аҳлини «ур тўқмоқ» қабилида сочиб юбормаслиги, балки уларни бирлаштириши, монолит ҳолга келтириши, меҳнатга рағбатлантириши лозим. Яқин ўтмишни эслайлик, манманлик, бюрократизм, кибру ҳаво, субъективизм, ошна-оғайнигарчилик, шаҳарчилик иллатлари кўз олдимизга келади. Дарҳақиқат, партия талабларига жавобан сўздан ишга ўтишимиз, фисқ-фужур ва шовқин-суронни йиғиштириб, фойдали, тинч, ҳалол меҳнат қилишимиз, адабиётимиз бойлигига бойлик қўшишимиз керак. Эсимда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ўтиши биланоқ изма-из, биз ижод аҳли ҳам, ўзбек адабиётидаги долзарб масалаларни қизғин ва кенг муҳокама қилиб олган эдик. Шунингдек, мунозара ва музокаралар юзасидан муайян тадбирлар ҳам белгилаб чиқилган эди. Ўшандан бери қанча шамоллар эсди, қанча сувлар оқди, ижодий съездлар ўтди, турли-туман адабий баҳслар бошланди ва якунланди, роман ва поэма, шеър ва қиссалар ёзилди, китоблар нашр этилди, мақталди ёки танқид қилинди. Демак, Ёзувчилар союзида бирмунча ишлар бажарилди дейиш мумкин. Лекин, ҳали амалга ошмаган таклифлар, ечилмаган муаммолар навбат кутиб турибди.

Республикамизда «Маданият фонди»нинг ташкил қилиниши маданий меросимизни кўзқорачиғидай сақлашни, умрбоқийлигини тақозо этади. Модомики, шундай экан, халқимизнинг минг йиллик тарихини варақласак, тарихий воқеаларга, шу жумладан, илму маърифат, адабиёт ва санъатнинг гуллаб-яшнаган кўркам фаслига, шунингдек, қирғин-барот урушлар, босқинчилик разолати остида инқирозга юз тутган даврига, вайроналикка дуч келамиз. Ўшанда урхун ёзувларидан тортиб Навоий ҳазратлари қаламига мансуб қўлёзмаларгача, Ибн Сино кутубхонасида рўй берган ёнғиндан тортиб Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида нақшга айланган рубоийларгача кўз олдимизда қайта жонланади. Биз, ҳақиқатан уларнинг тақдирига, барҳаётлигига келажак олдида жавобгар кишилармиз-ку!

ДАРВОҚЕ, ХОРИЖГА қилган сафарларимдан яна бирида, бундан бир неча йил аввал Германия Демократик Республикасида бўлганлигимни ва бир немис адибининг уйига ташриф буюрганлигимни эслайман. Ўшанда, немис адибининг ижодхонасидаги бир столга кўзим тушди ва бу стол ўзининг аллақандай безаклари билан Самарқанд ёки Хивани хотирамга солиб қўйди. Соҳиби хонадон мендан қалай, маъқулми, йўқми' деб сўраётгандай кўз қарашида савол аломатини сездим. Мен унга «дуруст, лекин бир нарсани сўрашга андиша қилиб турибман», дедим. Адиб «сўрайверинг, бу столни ўзим ўз қўлим билан ясаганман, фақат қурилиш материали сизларники, холос», деди. Маълум бўлишича, чет эллик адиб Ўзбекистон сафари кунлари Бибихоним масжидида бўлган ва маданиятимиз мулки ҳисобланган асори-атиқани тиклаш жараёнида чиққан чиқиндиларни нодир тошлар қабилида ардоқлаб ўзи билан олиб қайтган. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», дейдилар. Ҳа, шундай, биз учун қадрсиз бўлиб ётган чиқиндилар, кошин парчалари чет эллик адибнинг санъатга бўлган меҳри ва таланти туфайли диққатга сазовор ажойиб бир хилқатни касб этган, мўъжиза бўлиб яралган.

Бу, ўтмиш маданиятимизга хорижий дўстларимизнинг қизиқишидан бир лавҳа. Ўз навбатида мухолифларимиз ҳам ўз қўлларидан келган ёки келмаган ишларни ҳам қилганлар. Бир вақтлар, бундан 500 йил муқаддам ҳам шоир, ҳам саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шайбонийлар қувғинидан қутулиш учун ҳозирги Афғонистон Демократик Республикаси территориясига ўтади ва у ерда бироз истиқомат қилганидан сўнг Ҳиндистон тупроғида туп қўйиб, палак отади. Бу гаплар ҳаммаси тарихда бор, эл учун аён! Лекин, мен айтмоқчи бўлган нарса шуки, ўша қирғин-барот урушларда, қочқинди-қувғинликларда халқимиз маданиятининг ҳам буюк, ҳам нодир мулки талон-торож бўлганлигига шак-шубҳа қилмаймиз. Шунингдек, яқин-яқинларда яшаб ижод қилган асрдошимиз ажойиб қалам соҳиби Зокиржон Фурқатнинг ғурбатда вафот этганлигини ва қабри Шарқий Туркистон тупроғи Ёркент шаҳрида эканлигини ҳам биламиз, лекин шундай бир савол туғилади: «Нега бу ҳаммамизга қадрдон ва севимли асарлар оригинали ёки қўлёзмаси ўз она заминидан ҳамон узоқда, бегона элларда дайдиб юради?».

Кези келгани учун мен қўл билан санагудек бир неча сиймолар ёки асарларни тилга олдим, холос. Аслини олганда, улар беҳисоб! Яқин ўтмишимизга, яъни 70 йил мобайнида камол топган ўзбек совет маданиятига назар ташласак, Владимир Ильич Ленин башоратининг ёрқин манзарасини кўрамиз: бадиий адабиётнинг турли жанрлари, музика, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, театр санъати, меъморчилик санъати ва ҳоказо, ва ҳоказо... Айниқса, яқин ўтмишдаги адабий мерос масаласи ҳамон диққат марказимизда энг зарур ва энг актуал масалаларнинг бири бўлиб турибди. Жумладан, Ҳамза ва Абдулла Қодирий меросига қайтиш ва уни излаш, топиш ва иложи борича мукаммаллаштириш шу куннинг вазифаси, ўз авлодимиз бурчи эканлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак, қолаверса, Чўлпон ва Фитрат каби қалам соҳибларининг ижодий тақдирини ҳал қилиш, бу ҳақда эндиликда адолатли бир қарорга келиш ҳам бизнинг зиммамизга аллақачон тушганлигини инкор этолмаймиз. Бу ҳақдаги менинг муайян фикрим ушбу газетанинг ўтган сонларидан бирида айтилган бўлса ҳам яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, мазкур ёзувчилар ўз асарлари билан ўзбек адабиёти бўстонида барг ёзиб, илдиз қўйганлари маълум. Модомики, шундай экан, улар ёш кўчатлар эмаски, сояда қолиб кетганлари учун офтобрў ерга кўчириб ўтқазиб қўя қолсак! Бу бир кунлик, бир йиллик иш эмас, албатта! Бу вазифани ўз зиммасига олганлардан вақт ва масъулият эътибори билан жуда катта меҳнат, ақлу-идрок, бардош ва ирода талаб қилинади. Мазкур китоблар қайта нашр этилгандан кейин, такрорлайман, бу унутилмас зотлар билан учрашамиз, баҳслашамиз, фикрлашамиз, билиб-билмай қўллаган ташбеҳларини, мулоҳазаларини, ҳатто хато ва чалкашликларини ҳам юзма-юз келиб «ўзларига» айта оламиз. Муҳими, уларни, улардан қолган адабий меросни ғоявий мухолифларимиз қўлига бериб қўймаслигимиз керак. Чинакам талант, қадрли асар борки, уни халқ мулкига айлантиришимиз, Ватан рўзғорига қўшишимиз лозим.

ҲАҚИҚАТАН, айниқса шу кеча-кундузда, Улуғ Октябрь инқилобининг 70 йиллиги арафасида қутлуғ қон тўкилган табаррук заминда собит туриб, ғурур билан айта оламизки, не-не аждодларимиз зор-зор йиғлаб ўтиб кетган, лекин топа олмаган ана шундай ажойиб она-Ватан сиз билан бизга насиб этди, сиз билан бизнинг пешонамизга битди, бундан буюк бахт-саодат борми!



Суратда: Пастдарғом район «Сайқал» халқ ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари Моҳия Абдуазизова, Ҳилола Тошпўлатова.

Т. ШОМИЕВ фотоси

ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ

Иброҳим ҲАМРОБОЕВ, ЎзФА Геология ва геофизика институти директори, Ленин мукофоти лауреати

# БУЮК ОЛИМ

Ўзбекистон геология фани равнақини Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг ғоят серқирра ва сербарака илмий-ижтимоий фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Академик Абдуллаев теран илмий, педагогик ва ижтимоий фаолият соҳиби эди. Унинг олим сифатидаги бетакрор истеъдоди ва ташкилотчилик қобилияти жуда барвақт намоён бўлган. Олимнинг геология фанимиз равнақига, шу билан бирга, бошқа фан соҳаларимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳам беқиёсдир. Кўпгина фан соҳаларининг тараққиёти бевосита Ҳабиб Муҳамедовичнинг номи билан боғлиқ. У республика Фанлар академиясининг вице-президенти, президенти, Госплан раиси, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган йилларда академиямиз таркибида гидрогеология ва инженерлик геологияси, нефть ва газ конлари геологияси, ядро физикаси каби кўплаб институтларни ташкил этиш учун ҳам жон куйдирган эди.



Ҳабиб Абдуллаевнинг республикамиз биринчи геолог олими сифатида бу соҳани ривожлантиришдаги хизматларининг ўзи бир катта тарих. У кўплаб геолог олимларни камолга етказган, ўз даврининг йирик алломаси, жамоат арбоби даражасига кўтарилган эди. Ҳабиб ака Ўрта Осиё металлогенистлар мактабига, шу жумладан, геологиянинг петрометаллогения соҳаларига асос солди. Унинг бевосита раҳбарлигида Ғарбий Ўзбекистон магматизми ва металлогениясининг муҳим жараёнлари тадқиқ этилди.

Ўша пайтда чўл ва ярим чўллардан иборат Ғарбий Ўзбекистон геология фанимиз учун очилмаган қўриқ эди. Бу ерда пайдо бўладиган магматик ва рудаланиш жараёнларини ўрганиш учун Ҳабиб Муҳамедович ташаббуси билан бир нечта группалар тузилган ва шу отрядларнинг бирини мен ҳам бошқарган эдим. Бу соҳадаги ишларнинг айрим йўналишларини домла билан биргаликда олиб борганмиз. Маълумки, бу тадқиқотларнинг натижаси кейинчалик шу зонада кўплаб йирик конларнинг очилишига замин ҳозирлади.

Ҳабиб Абдуллаевнинг ўткир ташкилотчилик фаолияти уруш йилларида, ундан кейинги йилларда ҳам тўла намоён бўлган. Ўша оғир даврда ва урушдан кейинги дастлабки йилларда Ҳабиб Абдуллаев оғир саноатнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, республика қора металлургиясининг тўнғич иншооти Бекобод металлургия заводи қурилишини ташкил этиш, уни хомашё билан таъминлашда кўп жон куйдирди.

Ҳабиб Муҳамедович фикри тиниқ, дунёқараши кенг, йирик олим эди. Айни пайтда камтар ва талабчан устоз кўплаб олимларнинг меҳрибон мураббийси ҳам эди. У узоқни кўра олар, йирик коллективларни бир қанча комплекс проблемаларни ҳал этишга жалб эта биларди. Шунинг учун ҳам Ҳабиб Муҳамедовичнинг кашфиётлари серқирра, ғоят сермаҳсул ижтимоий фаолияти Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам довруғ қозонди. Устоз Ленин мукофоти лауреати бўлди. Буюк Британия Минерология жамияти ва Франция Геология жамиятларининг аъзоси эди.

Бугун Ҳабиб Муҳамедович кўп йиллар иш олиб борган, директорлик қилган институтимизда олимнинг мемориал музейи ишлаб турибди. Юртимиздаги кўплаб кўчалар, мактаблар, маҳаллалар унинг номи билан аталади. Минг-минглаб геолог олимларимиз устоз бошлаб берган фанимизнинг муҳим йўналишларини муваффақият билан давом эттирмоқдалар. Истеъдодли геолог ёшлар иштирокида мунтазам равишда Абдуллаев ўқишлари ўтказиб турилибди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг кўплаб шогирдлари қатори мен учун ҳам устознинг бой илмий мероси, серқирра фаолияти азиздир. Бугун устоз таваллудининг 75 йиллиги кунларида биз шогирдлар унинг номини фахр ва ифтихор билан тилга олиб, ёрқин хотираси олдида таъзим қиламиз.

# БЕҲУДА КОМИССИЯЛАР КИМГА КЕРАК?

ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА

ҲОЗИРГИ ДЕҲҚОН замонавий билимлар, қудратли техникалар билан қуролланган. У ўз экинини қачон экиш ва суғоришни, қачон ишлов бериш ва ҳосилни йиғиштириб олишни яхши билади. Чунки у амалий тажрибага эга. Ўз вазифасини далага ойда-йилда бир келувчи, шунда ҳам пайкал бошидан нарига ўтмайдиган айрим «нозикроқ» раҳбардан кўра ўн карра, юз карра яхшироқ тушунади. «Нозик раҳбар» деганда мен ҳар йили пилла қурти боқиш ва ғўза парваришининг энг долзарб дамларида райком ва обком томонидан тузиладиган текшириш бригадаси вакилларини назарда тутаяпман. Эҳтимол, бундай бригадаларга чинакам мутахассислар бириктилса, кутилган самарани бериши мумкиндир. Лекин бригада рўйхатига баъзан пиллачилик, пахтачилик, умуман қишлоқ хўжалигидан йироқ бўлган «мутахассис»лар ҳам тиркалади. Улар орасида спорт, медицина, транспорт, алоқа ва шунга ўхшаш соҳа мутасаддилари ҳам бўлади. Хўш, бу вакил тиши далада чиқиб, сочи шу ерда оқарган, ўз тажриба мактабини яратган деҳқонга нима бера олади? Ахир қишлоқ хўжалиги бўйича махсус билимга эга бўлмай туриб, ғоятда юзаки, кимлардандир йўл-йўлакай эшитган сўзлар билан деҳқон вақтини олишнинг кимга кераги бор? Деҳқоннинг вақти шундай ҳам ғоятда чекланган-ку.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, 20—30 чоғли комиссия аъзоларини кутишнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, деҳқон учун фойдаси тегмайдиган ўша вакил ўзи бошлиқ бўлган муассасада ўта билимдон мутахассис бўлиши мумкин. Текшириш бригадалари эса баъзан ҳафталаб, ойлаб дала кезишади. Шундай экан, ўша мутахассис бошқараётган тармоқнинг бевосита вазифасига кирувчи ишлар нима бўлади? Коллективда иш мароми бўшашиб давлат планларининг бажарилишига таъсир кўрсатмайдими? Ўша раҳбар далага бориб ўзининг ҳам, деҳқоннинг ҳам вақтини олиш ўрнига ўз соҳаси бўйича деҳқонга қай йўл билан қулайлик яратишни, хизмат кўрсатишни ўйласа, яхши бўлмайдими? Ана шундагина деҳқоннинг киноя билан «Аввал ўзингга боқ, сўнгра ноғора қоқ» дея писанда қилишидан бир оз бўлса-да қутуламиз.

Маълумки, одатда пилла қурти боқиш мавсуми охирлаган сари юқоридаги каби текширувчи бригадалар сони ва салмоғи сезиларли даражада кўпаяди. Улар ёнига қишлоққа оталиқ қилувчи завод, фабрика ва турли муассасаларнинг вакилларидан иборат бригадалар ҳам қўшилади. Аслида бундай бригадалар умуман бошқа мақсадда, яъни хонадонларга амалий ёрдам бериш мақсадида тузилади. Лекин уларнинг аъзолари амалий ишдан оғзаки кўрсатмалар беришни афзал кўрадилар. Хонадонма-хонадон юриб бутун умри пилла қурти боқиш билан ўтаётган одамларга ўзларича маслаҳат беришади, нималарнидир талаб қилишади.

Шу ўринда ғоятда ачинарли ва кулгили бир воқеани айтиб ўтмоқчиман.

Қўқон шаҳридан Бувайда районига йўл олган текшириш бригадаси сафида маиший хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис — нозиккина қиз ҳам бор эди. Умрида пилла қурти боқиш нималигини билмаган бу қиз хонадонлардан бирида сўкичаклар оёғига идишларда сув қўйилганини кўриб, ҳайрон бўлади. Аммо сўрашга орияти келади ва ўзича қуртлар шу ерга тушиб сув ичса керак, деган хулоса чиқаради. Шундай ўй билан қўшни уйга кирса, сўкичак оёқларига идишларда сув қўйилмаган. Қуртлар эса тўртинчи ёш уйқусига кетган бўлиб, барг емасдан, қимирламай ётибди. «Мутахассис»ни ваҳима босади: «Қуртлар чанқаб қолган, хонадон эгалари эса сув беришни унутиб қўйган». У хонадон эгасига тезлик билан қуртларни суғоришни, иложи бўлса, пақирда сув сочишни буюради. Етмиш ёшли Нуржон момо кулгисини аранг босиб, «хўп» дейди. «Хўп» дейди-ю, ўз ишини билиб қилаверади.

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Лекин бутун мамлакатга донғи кетган, давлат мукофоти лауреати бўлган Олияхон ая Султоновадек машҳур пиллакорни тарбиялаб етиштирган, пиллачиликда ўзига хос мактаб яратган бувайдалик деҳқонлар ҳозир ҳам турли комиссияларни кўришганда «Ишқилиб булар ҳам қуртимизни суғоришни буюрмаса бўлгани» дея юрак ҳовучлаб турадиган бўлиб қолишган.

Бунга ўхшаш воқеалар бошқа соҳаларда ҳам тез-тез рўй бериб туради. Ҳар бир комиссия ўз қаричи билан деҳқонга кўрсатма беради. Охир-оқибатда деҳқоннинг қимматли вақтини ўғирлаб, уни асосий ишидан чалғитади. Ҳолбуки, эндиликда партия ва ҳукуматимиз ҳар хил икир-чикир ишларга юқоридан туриб аралашувларга чек қўйишга, турли кўрсатмалар бериб деҳқонни асосий ишдан чалғитмасликка даъват этмоқда. Чиндан ҳам, қишлоқ хўжалиги ишлари айни қизиган вақтда ҳар бир бригада ва колхозда райком ёки обком вакилининг ойлаб ётиб олиши, турли комиссияларнинг кунора ташриф буюришидан кимга фойда-ю, кимга зарар? Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш вақти келди. Чунки деҳқонга турли-туман текширувчилар эмас, чинакам ёрдам, оқилона мадад керак.

**Абдувоҳид ҚОДИРОВ,**
**Бувайда район агросаноат бирлашмаси умумий бўлимининг мудири**

# РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Бизнинг қишлоғимиз кўҳна гўшалардан ҳисобланади. Бу ерда ҳозир 3 мингдан ортиқ киши яшайди. Ундай бўлса, қишлоғингиз анча ривожланган, гуллаб-яшнагандир, деб ўйларсиз. Афсуски, бу жиҳатдан биз асло мақтана олмаймиз. Қишлоғимиз бундан ярим аср олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шу аҳволда. Уйлар пала-партиш қурилган, кўчаларимиз қишда тизза бўйи лой, ёзда чанг.

Энг ачинарлиси, қишлоғимизда меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун зарур бўлган маданий-маиший шароит йўқ. Кутубхона бировнинг эски уйида жойлашган. Кўримсизлигидан ҳеч ким унга ташриф буюрмай қўйган. Фельдшерлик-акушерлик пункти қурилиши эса уч йилдан буён туя гўшти еб ётибди. Беморлар саккиз километр узоқликдаги касалхонага қатнашга мажбур бўлмоқдалар.

Биз уч йилча муқаддам қишлоғимизда клуб қурилишини эшитиб хурсанд бўлган эдик. Энди билсак, ҳаммаси қуруқ гап экан. Бу ҳақда совхоз, район раҳбарларига айтсак, пинак ҳам бузишмайди. Фақат иш талаб қилишади. Ахир, биз шусиз ҳам яхши ишлаяпмиз. Хўжалигимиз ҳар йили ўртача бир миллион сўмдан соф даромад олаётир. Наҳотки, шу маблағнинг бир қисмига маданий-маиший объектлар қуриб, қишлоғимиз кишиларининг талаб-эҳтиёжларини қондириш қийин бўлса?

**Гагарин районидаги «Правда» совхозига қарашли Шўроб қишлоғи аҳли номидан:**
**Ж. МУҲАММАДИЕВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Д. ҚУВОНОВ, маҳалла комитетининг раиси, А. АЛИҚУЛОВ, Д. ИСМАТОВ, уруш қатнашчилари, Ў. ОЛТИЕВ, А. ТОЖИЕВ, М. ЎСАРОВ, Н. ҚУЛМУРОДОВ ишчилар, Ў. ОЛТИБОЕВ, студент.**
**(Жами 17 имзо)**

# «АЁЛ МЕҲНАТИНИНГ ҚАДРИ»

**Газетамизнинг шу йил 15 май сонида шу сарлавҳа остида берилган «савол ва шарҳ»да далада ишловчи хотин-қизлар барча аёллар учун яратилган имтиёзлардан фойдалана олмаётганлиги, улар меҳнат қонунларига зид ҳолда эртадан-кечгача ишлатилиши ва дам олиш кунлари жорий этилмаганлиги танқид қилинган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Агросаноат Давлат комитетидан қуйидаги жавоб олинди.**

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ССР АГРОСАНОАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ:**

«Аёл меҳнатининг қадри» мақоласи Ўзбекистон ССР Агросаноат Давлат комитети томонидан ўрганиб чиқилди. Қорақалпоғистон АССР ва республика областларининг агросаноат комитетларига ушбу мақолани ўзларига қарашли коллективларда муҳокама қилиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши бўйича қўшимча тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш топширилди. Жумладан, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишловчи аёлларнинг барча имтиёзлардан фойдаланишлари учун имкон туғдириш, аёлларнинг, айниқса, болали аёлларнинг иш ва дам олиши учун етарли шароит яратиш, мактабгача тарбия болалар муассасалари ҳамда умумий овқатланиш муассасалари ишини яхшилаш зарур.

Ўзбекистон ССР Агросаноат Давлат комитети бу тадбирларнинг амалга оширилишини ўз назоратига олади.

**В. АНТОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Агросаноат Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари**

# ОБОДОНЛАШТИРИШ ҚИЗҒИН

**Халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитети редакция йўллаган хатни кўриб чиқди. Унда Қушчи қишлоғи ёшларининг мулоҳазалари, бу борадаги редакциянинг фикрини атрофлича ўрганилди. «Октябрь 40 йиллиги» совхозидаги Қушчи қишлоғидаги эски молхона бузилиб, унинг ўрнига қишлоқ ёшлари учун стадион қуришга тайёргарлик ишлари бошланди. Шунингдек, қишлоқда янгидан медицина пункти, кутубхона қурилаяпти. Қушчи қишлоғига ёнма-ён бўлган иккита қишлоқда ҳаммом мавжудлигини ҳисобга олиб бу қишлоққа ҳаммом қурилиши ҳозирча планлаштирилмади.**

**Р. ОБИДОВ,**
**Халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитети раиси**

Саид АҲМАД

# ЙЎҚОЛГАН КИТОБ

**«АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР» ТУРКУМИДАН**

Эллик саккизинчи йилнинг ёз ойлари эди. У пайтда мен «Муштум»да ишлардим. Кундуз соат ўн бирларда Абдулла ака кириб келдилар.

— Юринг шоир, гап бор.

Орқаларидан эргашиб коридорга чиқдим.

— Кибриё машинада бизни кутиб ўтирипти. Ёшлигимда фотога ҳам қизиққан эдим. Фоточилик ишқи яна кўнглимга тушиб қолди. Ҳозир «Динамо» магазинига кириб фотога алоқадор ашқол-дашқолларни оламиз. Илгари мен ишқибоз бўлган пайтимда суврат шиша пластинкага олинарди. Ҳозир бошқача бўлиб кетган. Сиз буни яхши биласиз. Суврат олишни ҳам, ишлаб чиқаришни ҳам ўргатиб қўясиз.

Хўп, дедиму биргалашиб кўчага чиқдик. Абдулла аканинг кулранг «Победа» машинаси бўларди. Кибриё опа ичида журнал ўқиб ўтирган экан.

— Абдулла акангиз сизга адабиётда йигирма йил устозлик қилдилар, энди сиз у кишига суврат олишда устозлик қиласиз.

Карл Маркс кўчасидаги катта «Динамо» магазинига кириб керакли жами нарсаларни олдик. Пулини тўлашга навбат келганда эр-хотин тортишиб қолишди. Кибриё опа пулини мен тўлай, деса Абдулла ака ўзим тўлайман, дейди. Шу орада Кибриё опа аразлаб қолди. Шундан кейин Абдулла ака ён берди.

— Бўпти, тўлай қолинг. Аммо вақтики келиб шу аппаратларни мен олиб берганман, деб гапирмайсиз.

— Бўпти, домлажон, — деди Кибриё опа кулиб.

Машинага юкларни ортаётганимизда Абдулла ака шундай деди:

— Ҳозир «Ўзбекистон маданияти» редакциясига кириб Саидадан рухсат олайлик. Икки кунга сизга жавоб берсин.

У пайтлар редакция хозирги «Детский мир» магазинининг тўғрисидаги бинода эди. Кириб Саидахонни чақириб чиқдим.

— Саидахон, чолингизга икки кун отпуска берасиз. Менга фото ўргатади.

— Э, — деди Саидахон. — Чакки қипсизлар. Шу фото ўлгир жонимга тегиб кетган. Шогирдингиз куни билан кўчада суврат олиб келади. Кечаси билан қизил чироқ ёқиб ишлайди. На ёзади, на ўқийди. Бу фото ўлгир ғирт вақт оладиган нарса экан. Сиз ҳам энди ишдан қолиб кетасиз, домла.

Хуллас, Абдулла аканинг боғида икки кун қолиб суврат олишни, ишлаб кўчиришни ўргатдим.

Орадан бирон ой ўтиб Саидахон Кибриё опа билан учрашиб қолган экан, ҳасратидан «чанг» чиқиб колибди.

— Айтган гапингиз бўлди. Ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, суврат олишдан бўшамай қолдилар. Ҳатто итимиз «Дозор»нинг ҳам сувратини беш-ўн марта олдилар. «Уруш ва тинчлик»нинг таржимасини ҳам ташлаб қўйганлар. Қисса ҳам ярмида тўхтаб ётибди. (Абдулла ака ўша пайтда «Синчалак»ни яримлатиб қўйган эдилар). «Темир оқим»ни қайта таржима қилган эдим. Устидан бир кўриб беринг, деб шунча тавалло қилдим, сурат олишдан бўшамайдилар. Бу фото бошимизга бало бўлди.

Олтмиш биринчи йили Абдулла ака телефон қилиб: «Нега дарагингиз йўқ, боққа бир келинг, шафтолилар тагига тўкилиб ётибди,» деб қолдилар.

Эртасига борсам Абдулла ака бир тегирмон сув оқадиган ариқ бўйидаги сўрида чалқамча ётиб қалин китобни ўқияптилар. Баъзан қора қалам билан китоб саҳифаларига қандайдир белги қўядилар. Оёқ шарпасини эшитиб, китобни ёнга қўйиб ўрниларидан турдилар.

— Зап келдингиз-да. Дунёда чалқамча ётиб китоб ўқишдан ёмони йўқ экан. Айниқса манавунақа қалин китобни. Қўлларим толиб кетди-я.

—Ўқимай қўяқолинг эди, — дедим кулиб.

— Жуда яхши китоб-да. Дунё халқларининг мақоллари жамланган бунга.

Абдулла ака гапини тугатмаган ҳам эдики, Кибриё опа фотоаппаратнинг тасмасидан кўтариб кепқолди.

— Аппарат офтобда қоптику. Қаранг, ғилофлари ковжираб, буришиб кетибди.

Абдулла ака менга қараб ғалати кулиш қилди.

— Эсингиздами, бошида ўзим пулини тўлай, дегандим. Ўзимники бўлса хоҳлайман офтобга қўяман, хоҳлайман сувга ботираман. Пулини хотиним тўлаган, деб эҳтиёт қилганим — қилган. Биласизми, хотин кишининг харжлаган пули латтага тугиб эшик тепасига осиб қўйилгандек гап. Кирсанг ҳам бошингга тегади, чиқсанг ҳам. Мендан сизга насиҳат: асло хотиннинг пулига нарса олманг.

Бу гапларни Абдулла ака албатта ҳазил қилиб айтаётган эди.

— Боя манаву китобни гапираётган эдим. Жуда нодир китоб. Ўқиган сарим ажабланаман. Жанубий Америка халқларининг мақоллари ўзбекларнинг мақолларини айнан ўзи. Ахир, бу халқлар ўтмишда бир-бирларини мутлақо билмаганлар. Аммо мақоллар бир хил. Бизнинг йигирмага яқин мақолимиз Африка халқларида ҳам бор. Тил бошқа, урф-одат бошқа, дин бошқа. Икки ўртада ҳеч қандай муносабат бўлмаган. Аммо мақоллар айнан бир хил. Бу китобни қизиқиб, ҳафсала билан ўқияпман. Бошқа халқлардаги бизнинг мақолга ўхшаган мақолларни териб чиқяпман. Мақол ҳақида каттагина бир мақола ёзиш ниятим бор. Фольклорчилигимизга фойдаси тегадиган мақола бўлади, деб ўйлайман.

Шу йилнинг кеч кузида Абдулла ака шамоллаб қопти, иситмаси бор эмиш, деб эшитдиму, шаҳардаги уйига бордим.

Иситмаси тушиб анча дуруст бўлиб қолган экан. Аммо ўзи ниҳоятда тажанг эди. Нима бало, эр-хотин ўртасида бирон гап ўтдимикин, деб Кибриё опага қарадим. Юзида ғашлик аломатини кўрмадим.

— Нима гап бўлди, опа, домла сал ғалатироқлар?

— Э, сўраманг. Эрталабдан бери мени ҳам диққат қилиб юбордилар. Ҳу, ёзда кўрган «Дунё халқлари мақоллари» китобини тополмаётибдилар.

— Уйни йиғиштирганингизда бирон жойга тиқиб қўйгансиз, — деб мендан кўряптилар. Уйдаги китобларни бирма-бир қўлдан ўтказдилар. Йўқ.

Абдулла ака шприц кўтариб кирдилар. У киши узоқ вақтдан бери қанд касалининг азобини тортадилар. Фақат ўзлари ишлатадиган шприц билан ўзларини укол қиладилар.

Гап нима тўғрисида кетаётганини билган Абдулла ака шприцни никелланган металл қутичага жойлар экан, ўзича деди:

— Кеча кечқурун бор эди. Манаву стулда эди. — У диваннинг бош томонига қўйилган юмшоқ стулга ишора қилди. — Эрталаб қарасам йўқ. Ўғри келса китоб оладими?

Кеча уйга Ҳамза театридан меҳмонлар келишган экан. Абдулла ака уларга китобдан турли халқларнинг бир хил мақолларини ўқиб берган экан.

— Ўртоқларингиздан биронтаси кайфда олиб кетгандир, — деди Кибриё опа.

Абдулла ака хотинига зардали бир қараб қўйди.

— Уларга тил тегизманг. Ҳаммаси дуруст одамлар. Бунақа китобни артистларга нима кераги бор. Чой олкелинг!

Кибриё опа чиқиб кетганидан кейин у:

— Гапи тўғри. Ўшалардан бири олган. Биламан, қайси бири олганини, биламан. — У машҳур бир артистнинг номини айтди. — Биз шунақа китобларни ҳам ўқиймиз, деб мақтаниш учун олган.

— Қўйинг, домла. Академкнигада танишим бор. Худди шу китобдан топиб бераман.

— Энди кераги йўқ. У китобда юзлаб белгиларим бор эди. Қайта ўқиб белги қўйиб чиқиш учун яна бир-икки ой вақт керак. Э, аттанг, бугун-эрта мақолани бошлайман деб турган эдим-а.

Ҳали-вери Абдулла аканинг тажанглиги ёзиладиган кўринмасди. Бирон гап билан чалғитмоқчи бўлдим. Домланинг Дозор деган ити бўларди.

Бегона одам шарпасини сезиши билан вовиллаб хабар қиларди.

— Домла Дозорни овози эшитилмаяптими?

Абдулла ака айтадиган гапи ўзига нашъа қилди шекилли кулимсиради.

— Нимасини айтасиз. Бошимизга жудолик тушди. Шоир рихлатга равона бўлдилар.

— Ия, — дедим ҳайрон бўлиб. — Дозор ҳам шоирмиди?

— Ҳа, у итларнинг шоири эди. Ҳатто тахаллуси ҳам бор эди. Дозориддин Дўрмоний номи билан машҳур эди. Марҳум қофияси билан вовиллаб, вазни билан увиллардди. Кибриё, тунов кунги лавҳани олиб чиқинг.

Абдулла аканинг тажанглиги ёзилганидан севинган Кибриё опа зинадан лапанглаб иккинчи қаватга, Абдулла аканинг иш кабинетига чиқиб кетди. Зум ўтмай тахта зинани ғичирлатиб, қўлида бир фотосуврат билан тушди.

Абдулла ака ишлаб чарчаган пайтларда эрмак учун қизиқ-қизиқ ишлар қиларди. У бир тахта қоғозга худди қабр тепасига қўйилган мармар лавҳага ўхшатиб суврат ишлабди. Унда араб алифбесида шундай ёзувлар бор эди. «Дозориддин Дўрмоний. Таваллуди ҳижрий 120, вафоти ҳижрий 120» деб ёзилганди. Домла шу лавҳа ёзилган картон қоғозни гараж деворига ёпиштириб фотода сувратини олиб қўйипти.

Бунақа ҳазил ишлар бошқа буюк шахсларда ҳам бўлиб турган. 1948 йилда Ғафур Ғулом ҳам касал тегиб ўлган товуғини ҳовлининг этагига кўмиб шогирдлари билан мотам мажлиси ўтказган эди. Аввал ўзи товуқнинг таржимаи ҳолини айтиб марсия ўқиган. Бизлар бирма-бир мотамсаро қиёфада марҳумнинг тухумини, тухумидан бўлган қуймоқни эслаб, жўжаларидан пиширилган қовурдоқларни, табакаларни эслаб ўтган эдик.

Дозорни эслатиб яхши қилган эканман. Домланинг чеҳраси очилиб уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Абдулла аканинг ўзи трубкани кўтарди. Ким биландир гаплашиб, майли, келинг, деди.

— Ким экан? — деди қизиқиб Кибриё опа.

— Ким билан гаплашганимни билишинг шартми? — деди ҳазил аралаш Абдулла ака.

— Вой, домлажоне, сўрасам нима қипти. Кел, дедингиз. Меҳмон келса, овқатповқат қилайми, деб сўраяпман-да.

Абдулла ака қўл силтади.

— Овқат қилишга арзимайдиган меҳмон. Қисса ёздим, ўқиб берасизми, оборайми, деб сўраяпти. Қандоқ йўқ деёламан.

Қиссасини олиб келадиган одам келишини кутмай Домла билан хайрлашиб чиқиб кетдим.

Эртасига редакцияга бир йигит кириб, пастда сизни Абдулла Қаҳҳор кутиб турипти, деди. Шошиб тушсам, Домла «Волга»сига суяниб турипти.

У киши мен билан саломалик қилмай, туғилган кунингиз қачон? — деб сўрадилар. «Туғилган куним ўтиб кетган», дедим кулиб.

— Кечикиб бўлса ҳам табриклайман. Манаву совғаларни олинг, шоир. — У киши шундай деб машина эшигини очдилар. Ўтирғичда каттакон битта оқ қовун, қоғоз пакетда яна нималардир бор эди.

Нима қилишимни билмай туриб қолдим.

— Ҳайрон бўлманг, кечаги қиссанинг эгаси қўлёзмага қўшиб битта қовун, саккизта кабоб, тўртта нон олиб кепти. Дили оғримасин деб қайтариб беролмадим. Ҳаром нарса уйимда турмасин, дедим. Кўнглингиз тортса, ўзингиз ерсиз, тортмаса битта-яримтага берарсиз.

Бундан илгари ҳам шунақа ишлар бўлганди. Бир нўноқ драматург пьесасига қўшиб тоғорачада манти, китоби сурилиб қолган бир шоир шеърлар тўпламига қўшиб пакет тўла сомса ташлаб кетган экан. Ўшаларни ҳам Абдулла ака «Муштум»га келтириб берган эди. Шундан бери «Муштум»дагилар Абдулла акани кўрса тамшаниб турадиган бўлиб қолишган эди. Мен ҳам ҳазил қилиб: «Қўлёзма келмаяптими», деб сўрардим.

Хуллас, китоб йўқолиб, ёзилиши керак бўлган зарур бир мақола қолиб кетди. Дозориддин Дўрмоний бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар. «Пора»га келган қовун билан саккизта кабоб ейилиб кетди. Аммо фото...

Ўша «Динамо» магазинидан харид қилган фотоаппарати билан Абдулла ака Европани айланди. Ҳиндистону Бирмани қадам-бақадам кезиб чиқди. Қанчадан қанча республикаларга борди. Тоғларга чиқди, денгизларда сузди. Ҳатто кемада сузиб Ҳинд океани тубидаги гиёҳлар, жониворларнинг ҳам сувратини олди. Шу аппарат билан адабиётимизнинг турли маъракаларига қатнашган адибу удаболарнинг сувратларини олди.

Устоз Абдулла Қаҳҳордан каттагина фотоархив қолди. Ҳали оққа кўчирилмаган, кўчирилса қанчадан-қанча альбомга етадиган нодир негативлар сақланиб қолган.

Эрта-индин очиладиган Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музейи стендларини унинг ўзи олган шу сувратлар безайди.

Ғиёс ШЕРМУҲАМЕДОВ

# ХЎП, БАЖАРАМИЗ

— Кечирасиз, иккинчи бу номаъқулчиликни қилмайман. Товба қилдим. .... Бўлди дедим-у, бўлди. Гап битта, энди қайтарилмайди. Э-э-э, чиқмаяпти. Бир марта афв этинглар, кечиринглар...

Эшикнинг тирқишидан мўралаб, ўрта бўйли, қош-кўзи қора, силлиқ юзли эри Ҳалимжон Бўроновнинг катта тош ойна олдида туриб олиб ниманидир машқ қилаётганига ҳайрон қараб турган Шоҳидахон, унинг йиғлаётганини кўриб эшикни шартта очди.

— Сизга нима бўлди, дадаси? Биров хафа қилдими? Ё эт-бетингиз оғрияптими?

Хотини жонсарак бўлаётганини кўрган Ҳалимжон кўзини артиб, унга қаради:

— Ишондингми, хотин. Зора, улар ҳам ишонишса.

Гап нимадалигини тушунмаган Шоҳидахон: «Ҳақиқатан ҳам, эримга бир нарса бўлди, шекилли», — деб ўйлаб, қўрқа-писа сўради:

— Нима гап, тинчликми ўзи?

— Э, нима бўларди? Устимдан тушган аризага мувофиқ комиссия текшириб, ишни расво, деб кетган эди-ку.

— Ҳа.

— Бугун менинг шахсий масалам кўрилади. Қандай қилиб бўлсаям, ялиниб-ёлвориб, йиғлаб-сиқтаб, комиссия аъзоларининг кўнглини овлашни машқ қилаяпман, хотин...

— Олдинроқ айтмайсизми, раҳматлик дадам бутун умр раҳбарлик лавозимларида ишлаб келганларини биласиз-а?

— Ҳа, албатта.

— Дадам: «Ҳеч қачон ялиниб-ёлбориш керак эмас, фақат ваъда бериш керак», — дердилар. «Хўп, бажарамиз!» Қани, айтиб кўринг-чи?

Ҳалимжон худди минбарда тургандай гердайди-да, виқор билан дабдабали овозини баралла қўйиб гапира кетди:

— Ҳурматли ўртоқлар! Мен камчиликларни бартараф этиб, ишимизни янада юқори босқичларга кўтаришга қатъият билан ваъда бераман. Ишониб топширилган масъулиятли вазифаларни албатта бажарамиз!

— Бажарамиз! — Эр-хотин ўйлашгандай булбулигўё бўлиб сайраган Ҳалимжонни ўз ишини эплолмаганлиги учун бўшатишмади, балки юқорироққа, иккиламчи хомашё ишлаб чиқарувчилар идорасига тайинлашди. Иккиламчи материаллар технологиясини тушунолмаган Бўронов уддабуронлиги билан ўз камоматини баъзи корхоналар ҳисобига пешма-пеш тўлдириб келаётганлиги сабабли тафтиш қилиниб, иши қил устида қолди.

— Бундан кейин ҳам давлат ва халқ мулкини кўз қорачиғидек асрашга, келгусида барча имкониятларни ишга солиб, ички резервлардан тўлароқ фойдаланишга ваъда бераман! — деб давом этган эди, натижаси янаям кутилмаган чиқди — халқ чолғу ансамблига ташкилотчи этиб тайинланди. Аввалига дуторни танбурдан, ғижжакни камондан ажрата олмайдиган Бўронов кўп ўтмай касалдан боши чиқмайдиган дирижёрнинг йўқлигини билдирмай баъзи концертларда ўзи дирижёрлик қила бошлади. Яхшиямки, чолғучилар дирижёр бўлса-бўлмаса чалаверишга ўрганишган эди, «янги» дирижёрнинг қўлидаги таёқчаси ҳаво чизишига ҳам аҳамият беришмади. Аммо: «Дирижёрлик касбини консерваториясиз ўрганиб олдим», деб ҳар икки гапнинг бирида оғиз кўпиртирадиган Ҳалимжон кўп ўтмай музика ёзишга киришди. Нота биладиган музикачиларга ўзи тўқиган куйларни оғзида чалиб, қоғозга туширишни буюрганда жанжал бошланиб кетди.

Хонаки мусиқа «арбоби» ансамблдан қувғин қилингандан кейин ҳам, раҳбарлар олдида: «Хўп, бажарамиз! Албатта бажарамиз!» — деб юрди-ю, номигагина бир-икки ой ишсиз бўлиб, бир куни қишлоқ хўжалик бошқармасининг бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. «Қовун-тарвуз дарахтда ўсади, картошка помидор сингари қизариб пишгандан сўнг териб олинади», деб юрадиган янги раҳбар икки қовун пишиғи ҳам ўтмай бошқарма бўйича қуйидаги буйруққа тушди: «Ишда йўл қўйган қўпол хато ва камчиликлари учун ўз аризасига биноан бўшатилсин». Буйруқнинг охиридаги «ўз аризасига биноан» сўзларини ёздиришни ўзи бўладими?

«Иш билгандан кўра гап бил», деганларидек, Ҳалимжоннинг сўзбилармонлиги яна қўл келиб қолди. Кўп ўтмай уни шарафли лавозимга — кўчма «Шапито» циркига директор қилиб тайинлашди. Унинг хатти-ҳаракатларидан, бўлар-бўлмас гапларидан завқ олиб юрган масхарабозлар ҳазил-ҳазил билан бир кун унга парик кийгизишдида, бетини бўяб, томошабинлар билан лиқ тўлган цирк майдонига олиб чиқишди. Шу кеча ажойиб бир томоша бўлдики, циркка тушган томошабинларнинг ичаклари кулгидан узилаёзди.

Ҳалимжон томоша тугагач, уйига етиб келди-ю, хотини Шоҳидахонга масхарабозлик қилиб томошабинлар олқишига сазовор бўлганини завқ билан айтиб берди.

— Вой, дадаси, шунча йил бировларни ўрнини эгаллаб юрган экансиз. Асли ҳунарингиз масхарабозлик экан-а?!

Қаттиқ хафачилик сингари қаттиқ хурсандчилик ҳам инсон саломатлигини кескин ўзгартиради.

Бўронов бу хурсандчиликни кўтаролмади...

Ҳалимжоннинг видолашув маросимига йиғилган барча идоралардаги «ҳамкасб»лари одоб юзасидан хўжакўрсинга гапирган бўлдилар. Аммо циркдан келган икки масхарабоз ҳақиқатдан самимий кўз ёши тўкишди:

— Қадрли ҳамкасбимиз, алвидо! Энди борган ерингда тинч ёт!




Назиржон РАҲИМОВ

# ГУВОҲЛАР

## ДЕТЕКТИВ МАСАЛ

Бадмаст Қуён Бўривойни урди: аниқ факт.
Жабрдийда қондага кўра тузди акт.

— Қўл қўйинглар, — деди Бўри, — азиз халойиқ,
Қонун ўзи ҳал қилсин — ким жазога лойиқ!

Қани, Эчки! — имзо чеккин. Қуён безори!
— Шошаяпман... Тугаб қолар карам бозори.

— Сен кўрдинг-ку, зўравоннинг қилиғин, Мушук?!
— Ке, қўй, душман орттирмайин, бўлмайин шумшук.

— Айиқ, қўл қўй, оширайлик буни терговга!
— Тоқатим йўқ чақириғу сўроқ, ков-ковга.

Ҳамма пусиб кириб кетди инга, кавакка,
Воқе жойда Қуён, Бўри қолдилар якка.

Бу аҳволдан Қуён баттар бурун кўтариб,
Деди: «Мендан қасд олгунча кетасан қариб.

Йўлдан қолма, бир тарсаки есанг не бўпти!» —
Дея яна бир бор унинг бетига тепди...

Ғазабидан ўт чақнади Бўри кўзидан,
Ақл қочди, дарҳол қайтди қасам, сўзидан —

Тилкалади безорини бўлак-бўлакка,
Ошқозонга тушиб кетди. Қуён шумтака.

Қуриб кетсин, менга деса қонда-тартиб, —
Деди Бўри акт қоғозга лунжини артиб.

## ЧИВИННИНГ ҲОЛИ

Сўзим чин:
Бир куни Чивин
Ачиган узумнинг ширасин тотиб,
Бир пасда маст бўлди, ҳушин йўқотиб.
Ўзин сиғдиролмай қолди оламга,
Алик олмай қўйди саломга.
Мучасида қувват ортгандай бўлди,
Ғингиллаши гўё наъра тортгандай бўлди.
Майса учидаги шабнамни тепди:
«Менга Шер ҳам писандмас», — девди.
Бадмастлик ёмон-да,
Қолмай, деб армонда —
Филнинг нақ бўйнига бориб ёпишди.
Фил беихтиёр
Силкиди қулоғини...
Эшитинг бу ёғини —
Чивин мажақ бўлиб ерга қапишди.
Навоий



Рассом А. ҲАКИМОВ

Хуррам МАҲМУДОВ

# ЮВИЛДИ

Куни кеча Назир деган ошнамиз
Еғлиққина бир амалга сайланди.
Хурсанд бўлиб табрикладик ҳаммамиз,
Назир уни «ювиш» учун шайланди.
Эртасига ёри жўра бирлашиб,
Ресторанда амал оти «ювилди».
Роса ичиб, кайфлар ошиб, муштлашиб,
Индинига Назир ишдан қувилди.

Деҳқонобод

Боши еттинчи бетда

# ИНСОФ

Ҳолбуки, бу васиятномани қонуний, деб бўлмайди. Маълумки, ҳар қандай меросхўрликка дахлдор шахслар иштирокида, энг муҳими мулк эгасининг ўзи имзолагандагина нотариус тасдиғидан ўтади ва кучга киради. 1984 йил 25 сентябрда Ўзбекистон район нотариуси томонидан тайёрланган 1739-номерли ҳужжатда бу талаблар бузилган. О. Бегматова ўша пайтда соғлом бўлишига қарамасдан унинг ўрнига бошқа шахс — **Назарова Ҳабиба (С. Бегматовнинг қудаси)** қўл қўйган. СССР гражданлик кодексининг 584- ва 592-моддаларига кўра бундай васиятнома ноқонуний ҳисобланади.

Бу масалани ажрим қилиш фақат суднинг вазифаси эканлиги қонунчиликдан мутлақо бехабар одамга ҳам аён эмасми?

Ушбу масалани муҳокама этиш пайтида ҳаммамизнинг асабларимиз ниҳоятда таранг эди. Чунки ич-ичидан ўзининг ноҳақлигини билгани ҳолда, ўзини «жабрдийда» қилиб кўрсатишга тиришаётган мўйсафиднинг пойма-пой сўзларини тинглаш оғир. Сотиболди ака биринчи аёлидан бахти очилмагани, иккинчи хотини Холдорхон ҳам қон босими (?!) хасталиги билан ўтган йили вафот этиб, эрта бўйдоқ қолгани ва тенги топилса, уйланиб ана шу ҳовлида янги рўзғор қилиш нияти борлигини дастак қилди. «Маъруфжон ва Раъно қанақасига менинг фарзандим бўлсин, мен ҳатто уларнинг онаси билан ЗАГСдан ҳам ўтмаганман. Қолаверса, улар менинг номимда ҳам эмас...».

Шу асно, Анзиратхон ая қўлимга иккита гувоҳнома тутқазди. Булар Бегматов Маъруфжон Сотиболдиевич ва Бегматова Раънохон Сотиболдиевналарга 1957 ва 1959 йилларда олинган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар эди.

Савол ортиқча. Сотиболди аканинг қўлига гувоҳномаларни тутқаздим. У буларни кўздан кечириб тўнғиллади:

— Ёлғон! Буларнинг қўлидан нималар келмайди дейсиз, кейинчалик тўғрилашган...

Суд ажримига ҳали анча бор. Лекин собиқ раис, қишлоқнинг нуфузли оқсоқолларидан бири Шарофутдин Исомиддиновнинг холис сўзларига қулоқ осмай илож йўқ:

**«Қурбон Бегматовлар оиласини яхши биламан. Ибодатхон шу уч болани гўдаклигидан тарбиялаб, одам қилди. Сотиболди касал хотини билан болаларини ташлаб кетгани етмаганидай, энди ўз ўғли билан жой талашиб юрибди.**

**Сотиболдиниям Қурбон ака оғир йиллар етимхонадан олиб келиб, ўз фамилиясига ўтказган. Сотиболдининг отаси Норматов Маҳмуджон 1939 йили қазо қилган. Ўшанда Сотиболди 12 яшар бола эди. Онаси Отика буви 1942 йили вафот этди. Бу гапларни Сотиболдининг ўзи жуда яхши билади.**

**Ибодатхон бефарзанд ўтди. Ойимча холанинг ўлик-тиригида доим қараб турган ҳам у ва шу синглисининг фарзандлари.**

**Бугунга келиб Сотиболди қўлидан иш келадиганларни зиёфат қилиб, ҳар хил қоғозларни тўғрилаб юрибди. Менгаям келган. Зиёфат деб имондан кечмаймиз. Қонун нима дейди, билмадим, Ойимча аянинг васияти бўйичаям, инсоф юзасидан ҳам ҳовли Маъруфжонники бўлиши керак...».**

Қишлоқдан жўнар чоғимизда Ибодатхон аянинг ўксиниб айтган сўзлари, хавотир тўла нигоҳлари узоқ вақтгача кўз ўнгимдан кетмади: «Мухбир болам, ҳовлисиям ордона қолсин. Болаларимга бирор шикаст етказишмаса деб, юрагим хавотирда...».

Суд ажримига ҳали анча бор...

Лекин биз суд ишларига аралашмоқчи эмасмиз. «Одил суд», «халқ суди» деймиз. Бунинг чуқур маъноси бор. Қонун кўп, лекин энг улуғ қонун оналарни ҳимоя этиш қонунидир. Дунёда ҳуқуқлар кўп, лекин уларнинг энг буюги Оналик ҳуқуқидир!

УШБУ МАҚОЛАНИ тугаллар эканман, Сотиболди ака ҳақида кўп ўйладим.

Ҳа, Сотиболди ака, сиз «буларни...» деб назарингизга илмаётган, мана шу содда, камсуқум одамлар сиз ҳали англаб етмаган эзгу ҳақиқатларга умр бўйи амал қилиб яшадилар.

**Ҳамроқул АСҚАР,**
**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири**

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош редактор: Одил ЁҚУБОВ
Редколлегия: Ўлмас АКРАМОВА, Рамз БОБОЖОН, Мирсодиқ ТОЖИЕВ, Анвар МУҲАММАДЖОНОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Сора ЭШОНТЎРАЕВА, Лазиз ҚАЮМОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Анатолий ҚОБУЛОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош редактор ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Комил ЯШИН.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош редактор — 33-52-91, 32-57-42; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь — 33-49-93; секретариат — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Издается на узбекском языке
Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р — 13001 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. В. 3148. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 11 12